

ўтказди. Тоифаланган объектларни МТҚВ билан жиҳозлаш бўйича Йўриқнома талабларига мувофиқ МТҚВнинг қайта жиҳозлаш ва жорий таъмирлашни амалга оширади. Қўриқлаш бўлинмаси томонидан олинadиган тақиқланган ҳудуд МТҚВ учун эҳтиёт қисм ва воситаларни тўловини амалга оширади.

18. Қўриқлаш бўлинмасининг казарма биноларини, иншоотларини жорий ва капитал таъмирини амалга оширади, коммунал хизматларини (свет, сув, иссиқлик) тўлайди.

19. Худудий Қўриқлаш хизмати навбатчилик қисми билан тўғридан-тўғри алоқа каналларини тақдим этилишини таъминлайди.

20. “Ижрочи”нинг талабномалари бўйича МТҚВнинг реконструкцияси ва капитал таъмирини амалга оширади. Тақиқланган ҳудудда зарур муҳандислик тўсиқлари, окоп-бошпаналар ва объектга яқин жойларда мудофаа иншоотларини куради.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

21. Мазкур Шартноманинг 7-бандида кўрсатилган сўмманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида хизматлар ҳақини тўланмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов сўммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

22. Ижрочининг ходими постда патруль йўналишларда асоссиз равишда бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

23. Пеня тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бўзиш оқибатила етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

24. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса.

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

25. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низоларни қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

26. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин